

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 28 январь, № 21 (4684)

Чоршанба

САМОЛАРГА БИТИЛГАН ТАРИХ



1991 йилда Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилдилар. 1992 йил 28 январда эса "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекидилар. Бири асрий орзуларимиз рўёбини, жаҳон миллатлари ва давлатлари орасида муносиб ўрнимизни, дахлсиз гуруримизни тасдиқлаб берган бўлса, иккинчиси курраи заминнинг самовий кенгликларини мамлакатимиз байроғи ранглари жилоси акс этган самолётларда забт этиш имкониятини яратди.

— Бугунги кунда Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида йўловчиларга ҳар томонлама қулай ва хавфсиз хизмат кўрсатиш бўйича биринчи, йўналишлар қамрови, йўловчи ва юк ташиш ҳажмлари бўйича иккинчи ўриндамиз. Агар барча жиҳатларни умумлаштириб қаралса, бизнинг яққол пешқадамлигимиз кўзга ташланади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, учувчи-йўриқчи Зарҳўжа Сайдазимов. — Қолаверса, Юртбошимизнинг доимий эътиборлари ва қўллаб-қувватлашлари натижасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси энг сўнгги русумдаги замонавий самолётларда парвозларни амалга ошираётгани биз, учувчиларга ул-


Ифтихор

кан қувонч, битмас-туганмас ифтихор бағишлайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон фуқаро авиациясининг янги тарихи 17 йил мобайнида шонли, забардаст тарихга айланди десак, асло муболага бўлмайди. Шу давр ичида "Ил-62", "Ил-86", "Ту-154" самолётлари фойдаланишдан чиқарилди. Уларнинг ўрнига жаҳон самолётсозлик санъатида етакчи бўлган "Boeing", "Airbus" компаниялари ишлаб чиқараётган тезлиги баланд, кам шовқинли, тежамкор, йўловчилар учун қулай ва шинам шарт-шароитларга эга ҳаво кемалари харид қилинди. 1993 йилнинг июнь ойидаёқ

миллий авиакомпаниямиз рамизи туширилган, давлатимиз байроғи рангларида ўзидан муҳасам этган улкан "А-310" самолёти олис юртларга парвоз қила бошлади. Бугунги кунда жаҳоннинг 45 та нуфузли шаҳарлари аэропортлари миллий авиакомпаниямиз самолётларини қабул қилади. Демак, 45 йўналишда жаҳоннинг етакчи авиаташувчилари билан тенгма-тенг фаолият юритаётган Ўзбекистон фуқаро авиацияси тизими мутахассислари, муҳандис-техник, ер усти хизмат ходимлари, учувчилар, бортқўзғувчилар ўз вазифаларини масъулият ва шараф билан бажаришга муваффақ бўлмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси томонидан семинар ташкил этилди.



Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

"Жамоатчиликни тезкор ва ҳолис ахборот билан таъминлашда ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги мазкур тадбирда тегишли вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ходимлари иштирок этишди.

ХОЛИС ВА ТЕЗКОР

ахборот билангина ишонч қозониш мумкин

Маълумки, жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш билан бирга, мафқуравий таъсир ўтказиш қуролига айланиб, турли сиёсий қучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Айниқса, "оммавий маданият" никоби остида аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган уринишлар, ошқора ва пинҳона ахборот хуружлари кучайиб бормоқда. Шу туфайли йиғилишда бу каби салбий ҳаракатларнинг олдини олиш борасида ахборот хизматлари зиммасига жиддий вазифалар юклатилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, соҳада мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр аломлиди. Замонавий ахборот технологияларидан, хусусан, веб-сайтлардан самарали фойдаланиш, ахборот хизматлари фаолияти мониторингини мунтазам олиб бориш, уларнинг техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда шу соҳа ходимларининг интеллектуал салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича тавсиялар берилди. Пировардида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинарда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар жараёнида жамоатчиликни тезкор ва ҳаққоний ахборот билан таъмин-

ДАВРА СУҲБАТИ

минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга бағишланди

Олий ҳарбий божхона институтининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди. "Минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни" мавзусига бағишланган мазкур йиғилишда институт профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари қатнашди.

Йиғилишда мустақиллик йилларида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги ҳамда тинчлик ва барқарорлик туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, шундай. Президентимизнинг минтақадаги давлатлар хавфсизлигига таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, нарқобизнес каби бало-қазоларга қарши туриш борасида амалга ошириб келаётган ишлари, турли халқаро ташкилотлар доирасида илгари сурган таклифлари жаҳон жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этиб келинмоқда. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуслари асосида халқаро ташкилотларнинг экстремизм ва нарқобизнесга қарши кураш борасидаги устувор вазифалари белгилаб олинганлиги ҳамда Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона сифатида эълон қилинганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалий ишлари билан ҳам бошқа давлатларга намуна бўлиб келаётгани айтилди. Айни вақтда институт тингловчилари ўзларини қизиқтирган масалаларга жавоб олишди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.

Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган солиқ сиёсати иқтисодий таъминоти барқарор ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилган. 2008 йил бошидан кучга кирган янги Солиқ кодекси шу мақсадларнинг амалий ифодасидир. Унда кўзда тутилган меъёр ва қоидалар тизимини янада ислоҳ қилиш, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий таъминоти тораб юксалишига хизмат қилмоқда.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ — РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Эътиборли жиҳати шундаки, юртимизда солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва либераллаштириш, унраётган айрим камчиликларни бартараф этиш, бир сўз билан айтганда, кодексини такомиллаштириш жараёни узлуксиз давом эттирилмоқда. Шу маънода, жорий йил 1 январдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси"га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги

Эти натижасида кичик корхона ва микрофирмалар 30,5 миллиард сўм микродор бўлишича маблағга эга бўлади.

Президентимизнинг 2008 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори бўйича ҳам бир қатор солиқ имтиёзлари берилди. Хусусан, хизмат кўрсатиш ва сερвис соҳасини ривожлантириш мақсадида микрофирма ҳамда кичик корхоналар фойда ва ягона солиқдан озод қилинди. Бу имтиёз йилда бундай корхоналар ихтиёрида қарийб 26 миллиард сўм маблағ қолади.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида иш бошлаган кўргазмали семинар солиқ тизимидаги ана шу янгиликларни тарғиб қилиш, уларнинг аҳамиятини кенгроқ тушунтириш мақсадида ташкил этилди. Анжуманнинг очилишида Давлат солиқ кўмитасининг раиси Б. Парпиев мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тизимда юз бераётган ихобий ўзгаришлар, солиқ юкининг босқичма-босқич камайтирилаётгани ва бунинг мамлакатимиз иқтисодий таъминоти юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида алоҳида тўхтади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON VA NIDERLANDIYA UNIVERSITETLARI HAMKORLIGI MUSTAHKAMLANMOQDA

Яқинда Тошкент давлат иқтисодий университети (ТДИУ) делегацияси Нидерландиядаги Фонтис университетига бўлишди. Мазкур ташриф чоғида икки олий таълим даргоҳи вакиллари ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама этдилар.

ТДИУ ректори Б. Ходиев билан Фонтис университети вице-президенти Ян Хубен ва Маркетинг менежменти институти директори Тон ван ден Хеувел ўртасида ўтган мулоқот чоғида халқаро бизнес ва маркетинг йўналишида талабалар, ўқитувчи ва мутахассислар алмашуви борасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикрлашилди.

Музокара якуни бўйича ТДИУ ва Фонтис университетлари ўртасида ҳамкорликда бакалаврларни тайёрлаш ва битирувчилар дипломларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжатда ўзбекистонлик талабалар гуруҳини Тошкент давлат иқтисодий университетида уч йиллик тахсилни тамомлагач, ўқишни давом эттириш учун бир йил муддатга Фонтис университетига юбориш ва уларнинг Нидерландиядаги компанияларда амалиёт ўташи кўзда тутилган.

ТДИУ ректори Фонтис университети таълим ва амалиёт ўташ тизими ҳамда мамлакатдаги қатор йиллик компаниялар фаолияти билан ҳам танишди. Ўз навбатида, нидерландияликлар Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари даврида ўрта, махсус ва олий таълим соҳасини такомиллаштириш борасида эришилган ютуқлар тўғрисида батафсил ахборотга эга бўлишди.

Фонтис университети Маркетинг менежменти институти директори Тон ван ден Хеувел Нидерландиядаги ушбу олий таълим даргоҳининг икки томонлама ҳамкорликка қизиқиш билдираётгани бежиз эмаслиги, зеро, ТДИУ нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида иқтисодий соҳасидаги кадрларни тайёрловчи етакчи таълим маскани эканини қайд этди. Ташриф ва унинг доирасидаги учрашув ва музокаралар Ўзбекистон билан Нидерландия таълим муассасалари ўртасида шериклик ва ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга томонларнинг қизиқиш билдираётганини намоён этди.

«Жаҳон» АА. Брюссель

(Давоми 2-бетда).

МУКАММАЛ МЕЗОН — САМАРАЛИ НАТИЖА

Сўнгги ўн йил мобайнида дунё миқёсида сановат ишлаб чиқаришнинг фаоллашиши халқаро савдо бозори ва хизматлар кўламининг кенгайишига олиб келди.

Айниқса, нанотехнологияларнинг жадал ривожланиши, ўз навбатида, тиббиёт, биология, ген инженерияси, метрология ва атроф-муҳит мониторинги каби соҳаларда ҳам ўлчаш аниқлигини мукаммаллаштиришни, натижаларини ишончлигини юқори босқичга кўтаришни талаб этмоқда.

"Ўзстандарт" агентлигида республикамиздаги шу соҳага дахлдор бир қатор ташкилотларнинг мутахассислари ҳамда олий ўқув юртлари вакиллари иштирокида ўтказилган "Замонавий метрологиянинг

долзарб муаммолари" номли илмий-амалий семинарда шулар ҳақида сўз борди.

Матрузачиларнинг таъкидлашича, бундай жараёнда Халқаро ўлчов ва тарозилар бюроси Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги, жаҳон метрология, БМТнинг Озиқ-овқат ҳамда кишлоқ ҳужалиги масалалари бўйича ташкилотлари, жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилоти сингари халқаро идоралар билан ҳамкорликни кучайтириши лозим. Негаки, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси каби масалаларда ҳаётий талабларнинг ортиси ўлчаш борасида аниқликка эришишни тақозо қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИК ТИМСОЛИ



2008 йилда ўтган халқаро мусобақаларда

423

нафар ёш спортчимиз муваффақиятли иштирок этди. Улар 17 та олтин, 15 та кумуш ва 15 та бронза медалларини қўлга киритиб, юртимиз доврўгини дунёга танитишга муносиб хисса қўшишди.

Эришилган бундай натижалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ва гамхўрлик самарасидир.

Бир рақам шарҳи

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қарши шаҳрида Европа Тиклиниш ва тараққиёт банки "BAS" дастурининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тадбиркорлар ва ишбилармонлар мамлакатимизда Япония ҳукуматининг кўмағида фаолият бошлаган янги дастурининг мақсад ва йўналишлари билан яқиндан танишдилар.

BAS дастури — тадбиркорларга ҳамкор

Малакали мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиб, корхонанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва консалтинг лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида 10 минг АҚШ долларигача миқдорда бегараз ёрдам кўрсатишга мўлжалланган "BAS" дастури тақдироти иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Узро мулоқотлар чоғида ЕТБдан тўғридан-тўғри кредит олиш, энергияни тежовчи технологияларни қўллаш, халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган бошқарув тизимини жорий этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам атрафли фикр алмашилди. "BAS" дастури доирасида амалга ошириладиган ҳамкорлик ишлари вилоятда тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бўри **НОРҚОБИЛОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Жиззахда иш бошлаган "СРУА пластик" хорижий корхонаси соатига 1 тонна хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга. Хом ашё эса қўндалик турмушда кўп ишлатилиб, ташлаб юборилаётган пластик идишлардир.

Иккиламчи хом ашёдан калава ип

Ҳозир жамоа 3-4 турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарапти. Асосий маҳсулот эса гиламчиликда кенг қўлланилаётган калава иплардир. Бу пахта ва жун етиштирилмайдиган мамлакатлар учун, айниқса, зарур хом ашё ҳисобланади. Шу боис корхона ўз маҳсулотларини келгусида экспорт қилишни режалаштирапти.

Корхонанинг хом ашё йиғишга ихтисослашган филиаллари қўшни вилоятларда ҳам ташкил этилмоқда.

Бахриддин **САТТОРОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро шаҳрида журналистлар учун "Гендер ва оммавий ахборот воситалари" мавзусида минтақавий семинар ўтказилди.

Минтақавий семинар

Унда Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, БМТ Ривожланиш дастури ҳамда Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг Гендер дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тиббиёт, таълим, маданият ва оилавий муносабатларнинг гендер жиҳатларига оид маърузалар тинланди.

Истам **ИБРОҲИМОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Каттакўрғон шаҳрининг Ингичка кончилар кўрғонига "Россия-Ингичка-Металлист" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ишга туширилди.

Инвестиция ҳисоби

Россиялик ҳамкорлар томонидан тармоққа 902 минг АҚШ доллари миқдорига сарможа жалб этилди. Бу ерда сановатда кенг қўлланиладиган вольфрам концентратни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштириляпти.

Россияликлар билан ҳамкорликнинг яна бир натижаси — айни пайтда фаолият кўрсатаётган "Света-Востока" қўшма корхонаси экинда тўла қувват билан ишлаб бошлайди. Бу корхонада ёғ-мий чикандилари қайта ишланиб, сановат корхоналари учун керакли хом ашё тайёрланади.

Абдусулт **САТТОРОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОНГАШТА ФЕРМЕРЛАР

Замонавий мулкдорлар — фермерларимиз нафақат ишнинг кўзини, ёрнинг «тили»ни биладиган миришкор деҳқон, балки билимдон мутахассис, тадбиркор ва етакчи шахс ҳамдир. Улар пахта ва ғалла етиштирибгина қолмай, хорижий давлатлар билан алоқалар ўрнатиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиш мақсадида техника ва технологияларни бевосита чет эллардан сотиб олмақдалар. Уларнинг иш самарадорлигини янада яхшилаш учун жойларда идиш ва қадқоқлаш материаллари билан таъминлаш, транспорт, ахборот таъминоти ва консалтинг, чорва моллари сотиш ва зооветеринария хизматларини кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, нефть ва минерал ўғитларини сотиш шохобчалари сингари бир қатор инфратузилмалар маромида ишлаб турибди.

Фермерларимизга яратилаётган шундай шароитлар, кўпга имкониятлар самараси ўларок, юксак натижаларга эришилмоқда, — дейди Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва маркетинг бўлими бошлиғи Ҳамидулла Абдусаломов. — Айниқса, республикамизда бир неча йиллардан бўён аниқлаш тарзда ўтказиб келинаётган "Ўзбекистон Агро-минитэк Экспо" кўргазма-савдолари фермерларимизга бевосита хорижий ҳамкорлар билан шартнома-лар тузиб, замонавий техника ва технологиялар харид қилиш имконини бермоқда. Жумладан, ўтган

Президентимизнинг Янги йил табригида Ёшлар йили фарзандларимиз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг имконият бўлгани алоҳида қайд этилди. Шубҳасиз, давлатимиз нуфусининг 64 фоизини ташкил этадиган навқирон авлод — ёшлар қамолотга йўналтирилган кенг кўламли дастурлар бажарилди. Бу борада, айниқса, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган қадриятларига, эзгу амалларига суянилгани, ёш авлод тарбияси ҳар бир фуқаро, маҳалла, кенг жамоатчиликнинг маънавий вазифасига айлантирилгани катта самара бермоқда.

БАРКАМОЛ АВЛОД

порлоқ келажак яратувчисиدير. Шу боис унинг тарбиясига эътибор муҳим аҳамиятга эга.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг Иجتимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳам масаланинг мана шу жиҳатига мунтазам эътибор қаратиб келмоқда. Маълумки, амалдаги конунчиликка биноан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ижроия ҳокимияти бўлими, бошқармалари, бошқа тузилмаларнинг бўлимлари ҳисоботларини эшитиб бориши, тегишли Қонун, Фармон ва қарорлар ижросининг таъминлини, уларнинг жойларда бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиши лозим. Буни дастлабки тарзда кўриб чиқиш доимий комиссия зиммасидаги вазифа саналади. Иجتимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими фаолияти доирасида мана шу нормалардан келиб чиқиб тах-

лил этди. Олиб борилган ўрганишлар, таҳлиллар, муҳокамалар асосида доимий комиссиянинг ҳулосаси тайёрланди.

Бугун "Қамолот" ЕИХ ёшларнинг дунёқаролини шакллантириш, қизиқиш ва интилишларини ўрганиш, уларни ва-танпарварлик руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишларни олиб борапти. Ёшларга қаратилган кўпга лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Чунинчи, "Шунқорлар", "Сиз конунни биласизми?", "Ёшларнинг "Қамолот" билан", "Миллий ўйинлар" сингари лойиҳалар, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан биргаликда "Келажак овози" кўрик-маърузаси, "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг ташкил қилиниши ёш истеъод ва иқтидор эгаларини кўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Биргина "Келажак овози" республика кўрик-танловининг Навоий вило-

Маҳаллий кенгашларда

мана шундай иш тутилса, ёшлар қалбига йўл топилади, улар билан изчил алоқа ўрнатилади. Шу боис ҳарқатининг Навоий шаҳар, Нурота, Қизилтепа, Томди туманлари бўлими-ларида Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари ташкил этилган. Уларда яратилган қўлайликлар ту-файли вилоятда воёга ет-маганлар, ҳам таъминлан-ган ҳамда ижтимоий ҳимо-ва муҳтож оила фарзанд-ларидан 836 нафари касб-хўнари бўлди. Айни пайт-да ушбу марказларда 269 нафар йигит-қиз компю-тер саводхонлиги, бичиш-тиқишдан сабоқ оляпти. Бу билан мана шунча ёшлар-

нинг истиқболда иш топи-шига, ўз ҳаётини янада фаровон қилишига замин ҳозирланди, десак мубо-лага бўлмайд.

Бугун бугун дунёда шун-дай жараён, тушунча бор: ёшларнинг психологиясига қараб муомала қилиш, му-носабат ўрнатиш керак. Уларга имконият эшикла-

Назорат-таҳлил давоми-да аниқлинишича, бугун ҳарқатининг Учқудук, Том-ди, Конимех, Нурота тум-анларидаги аксарият мактаблар бошланғич таш-килотларининг моддий-техник базасини янада ях-шилаш зарурати бор. Улар алоҳида хоналар, компю-тер жамланмаси ва теле-фон алоқаси билан тўлиқ таъминлини керак. Иж-тимоий-маданий ривожла-ниш масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари шу каби камчиликлар-ни бартараф этиш юзаси-дан конуний воқолатлари доирасида тегишли тавсия-лар ишлаб чиқиб, мута-садди идораларга юборди. Энг муҳими, депутатлар уларни бартараф этиш ишларига фаол киришган.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2008 йили 12 декабрда Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши-нинг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, депутатлар сўз фаолияти олиб бораётганини таъ-кидлаган эди. Айниқса, депутатлар конунчилигида белгиланган кўллаб қўқуқларини рўёбга чиқар-маётгани каттиқ танқид остига олинган. Мана шу ўринли мулоҳазалар, айниқса, Ўртбошимизнинг маҳаллий кенгашлар депу-татлари олдида қўйган ва-зифалар ҳоҳиятан ҳар би-римизнинг фуқаролик бур-чимиздир. Бу эса ҳар би-римизни Ватан равақини йўлида бефарқ бўлмастик-ка, айниқса, ёшлар тарбиясига алоҳида эъти-бор қаратишга ундайди.

Ражаб **ЖУМАНИЕЗОВ**, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ — РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда Тошкент шаҳри ва вилоятидан 400 дан ортиқ тадбиркор ҳамда мутахассислар иштирок этмоқда. Улар кўргазмали қуроллар, ҳужжатли фильмлар намо-йиши орқали билим-қўним-ларини янада бойитмоқда-лар. Энг муҳими, муҳокама-ларда ўзларини ўйлантираёт-ган муаммолар ечими бўйича мутахассислар маслаҳати-ни ҳам оладилар.

Семинар доирасида энг намунали солиқ тўловчи жа-моаларнинг бир гуруҳини тақдирлаш маросими бўлди. — 500 кишилик жамоамиз паррандачилик билан шуғул-ланади, — дейди Қибрай ту-манлидаги "YUTM PARRANDA" маъбуляти чекланган жами-яти раҳбари Акбар Бўриев. — Солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, фаолиятимизни тобора кенгайтириб бора-ёмиш. Айни пайтда 800 минг бов паррандани парвариш-лаб, халқимизга пархез ма-хсулотлар етказиб бермоқда-миз. Жорий йилда парран-далар сонини янада кўпай-тириш, замонавий линия олиб келиш орқали қўшимча иш ўринлари очмоқчимиз. Бунинг учун имкониятимиз етарли. Негаки, янги конун-чиликка асосан, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиручи сифатида фой-да солиғидан озод қилинган-миз, яна ер солиғи тўлай-миз. Шунинг ҳисобига 2008 йилда 160 миллион сўм маб-лаг ўз ичтимизимизда қолди. Кўргазмали семинар иши бугун ҳам давом этади.

Саид **РАҲМОНОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

САМОЛАРГА БИТИЛГАН ТАРИХ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий авиакомпаниянинг 2008 йилги ишлаб чиқариш якунларига мурожаат қилсак, қўлга киритилган ютуқлар кўлами мақтовга арзигулик даражада эканлигига амин бўламиз. Жумладан, йил давомида манзилли-га элтиб қўйилган йўловчилар сони 2 миллионлик маррадан ўтди. Аниқ-роғи, ўтган ўн икки ойда 2.069.343 йўловчи "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК хизматидан фойдаланди. Бу эса 2007 йилдагига нисбатан 4 фоизга, яъни 96.391 кишига кўп демак-дир. Шунингдек, ташилган юклар миқдори аввалги кўрсаткичдан 6,4 фоизга, миқдор ҳисобида 22,2 тон-нага ортди. Бир рейсининг йўловчи-лар билан ўртача таъминланганлик даражаси 86 нафардан 90 нафар йўловчига кўпайди. Мамлакатимиз аэропортларидан эса 1.695.627 на-фар йўловчи ҳаво кемаларида қўзла-ган манзилларига жўнатилди.

Ўтган йилнинг эътиборли воқеа-ларидан яна бири, авиакомпания ўз мижозлари учун электрон билет хизматини жорий қилгани бўлди. Пировадига МАК аэропортлари те-гишли ускуналар, тизим ва дастур-лар билан таъминланди. Энди дунёнинг исталган нуктасида туриб интернет орқали "Ўзбекистон ҳаво йўллари" самолётлари парвоз қила-ётган йўналишларга бюртма бериш мумкин.

Бинобарин, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК жорий йилда гло-бал авиация альянсинга қўшилди. Тез орада йўловчиларимиз SkyTeam тармоғи доирасида мунтазам уча-диган йўловчиларга, қаерда бўлиш-ларидан қатъи назар, бериладиган имтиёзларга, бутунжаҳон қатновлар тармоғи ҳамда мижозлар учун ин-



теграциялашган хизматлардан фой-даланиш имконига эга бўладилар. Айтиш жоизки, ушбу альянс дунё-нинг йирик авиакомпанияларини ўзида бирлаштирган бўлиб, ер юзи-даги юк ва йўловчи ташини бозори-нинг катта қисмини назорат қилади. Шу маънода ушбу альянс билан ҳам-корлик миллий авиакомпаниямиз учун дунё авиатранспорт тизимига фаол интеграциялашувида янги уфқларни очди.

Маълумки, Ўртбошимиз ва ҳуку-матимиз Ватанимизда халқаро ин-термодал транспорт марказини ту-зишга катта эътибор қаратмоқда. Таъкидлаш кераки, мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган маъзур йирик лойиҳани амалга оши-риш ишлари Ўзбекистон Республика-си Президентининг 2008 йил 2 де-кабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони билан уйғун равишда амалга оширилиши самарали натижалар учун замин яратди. Қиска муддатларда Навоий шаҳри аэропорти халқаро талаблар даражасидаги аэропортга айланти-рилди. Қувонарлики, айни пайтда юк авиаташувлари бўйича пешқадамлар сафидан ўрин эгаллаган "Korean Air"

компанияси Навоий шаҳри аэропор-ти орқали юк ташини қатновларини йўлга қўйди.

Умуман олганда, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Ўртбошимиз белги-лаб берган юксак тараққиёт йўлида дадил одимламоқда. Истикбол ре-жаларига мувофиқ пойтахт авиасоз-лари билан ҳамкорликда йил охири-га қадар мавзуд "Ил-114-100" са-молётларига қўшимча тарзда яна 5 та шу русумдаги янги самолёт пар-возларга шайланади, давлатимиз-нинг кўллаб-қувватлаши ва юксак эътибори тасдиғи — "Boeing" ва "Airbus" компаниялари билан тузил-ган шартномадорда келишилган 2 та "Dreamliner", 4 та "B-767", 10 та "A-320" самолётларини 2011 йилдан қабул қилишга киришилди.

Кўриниб турибдики, яқин келажак-да "Ўзбекистон ҳаво йўллари" мил-лий авиакомпанияси дунёдаги энг йирик компаниялар қаторидан жой олади. Истиклолимизнинг ҳаво ке-малари шону шўҳрати мамлакатимиз ва халқимиз буюклиги билан йўри-либ, осмон кенгликлариде баралла овоз беради.

Абдували **ҚУТБИДИНОВ**, шэрхловчи.

Пойтахтимизда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВР

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожланти-риш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси ҳузурида Нодавлат исти-жорат ташкилотларини ва фу-қаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувват-лаш жамоат фонди, Олий Маж-лис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация те-хнологиялари масалалари қўми-таси, «Қамолот» ёшлар ижти-моий ҳаракати, Журналистлар ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда оммавий ахборот вос-италари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазири Маъмурият Ахборот тизимлари ва телекомму-никациялар масалалари ахбо-рот-таҳлил департаменти муди-ри А. Эшонқўжаев, Ўзбекистон Қарамони, Езучилар уюшма-си раиси А. Орипов, Ўзбеки-стон Республикаси Олий Маж-лиси Қонунчилик палатаси спи-кери ўринбосари Ш. Дўстмуҳа-медов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Рўполов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлан-тириш жамоат фонди дирек-тори Ж. Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда бар-ча жаҳаларда илтимол билан олиб борилаётган ислохотлар Ватанимиз тараққиётида, аҳоли фаровонлигининг тобора ошиб бораётганида, қишлоқ ва ша-

ҳарларимиз янгича қиёфа касб этаётганида ўзининг ёрқин ифодасини топаётганини таъ-кидладилар.

Ислохотлар бераётган юксак самараларни фаол ёритиш баробарида юртимизда келажак демократик жамиятнинг, халқимиз маънавиятининг яна-да юксалиши, сўсий ва ижти-моий фаоллигининг ошиши, ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларнинг қатъий фуқаролик позициясига эга бўлишида оммавий ахборот воситалари-нинг ўрни катта.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, уларнинг мод-дий-техника базасини мустах-камлаш, журналист кадрлар-нинг касб малакаси ва маҳора-тини ошириш масаласи доимий эътиборда. Айни пайтда шид-дат билан ўзгараётган замон журналистлардан рўй бераёт-ган воқеа ва ҳодисаларга чу-қурроқ ёндашишни, давр билан мунтазам равишда ҳамнафас-лиқчи талаб этимоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлан-тириш жамоат фонди бу бора-даги вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшаётди. Жумладан, фонднинг энг журна-листлари кўллаб-қувватлаш, касб маҳоратини ошириш, дав-рий нашрларга моддий ва тех-ник қўллаш, соҳага за-монвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид лойиҳалари шулар жум-ласидандир.

Нозоат **УСМОНОВА**, ЎЗА мухбири.

МУКАММАЛ МЕЗОН — САМАРАЛИ НАТИЖА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, ҳозирги фа-олият таҳлиллари "метрологик йилларидагига нисбатан бир неча баробар ошганлиги-ни кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда 1993 йилда қабул қилинган "Метро-рология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. "Ўзстан-дарт" агентлиги тасарруфидеги метрология хизматлари орқат намунавий ўлчаш воситалари ва юқори аниқлик-даги қиёслаш ускуналари орқали эса самарали ишлар бажарилмоқда.

Соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, хорижий мамлакатлар билан махсулотлар алмашувининг то-бора ортиб бораётганлиги синов ва ўлчаш лаборатори-саласини юзага чиқармоқда. Метрологларимиз олдида амалиётда қўлланилаётган ўлчашлар ноаниқлиги усу-лини кенгрок татбиқ этишдир. Илмий-амалий семинар якунида иштирокчилар кун тартибидеги масалалар ечими бўйича тегишли тавсия-ларни қабул қилишди.

Д. **ЖУМАБОВ**.

ни йўлга қўйди. Натижада бугунги кунда истеъмолчиларга сифатли қадқоқланган ва замонавий талаблар-га жавоб берадиган махсулотлар ет-казиб берилаётди.

Денов туманидаги "Бахриддин" фермер хўжалиғи раҳбари Бахрон Дилов эса ўша кўргазма-савдода эришилган келишувлар туфайли Рос-сияда ишлаб чиқарилган замонавий технологияни олиб келиб ўрнатди. Ҳозирда бу ерда ҳам гўшт ва сут махсулотлари қайта ишланмоқда.

Маълумотларга қараганда, рес-публикамизда йилгига 5 миллион тоннадан кўпроқ миқдорда сабза-вот махсулотлари йиғиштириб оли-нади. Унинг таъминани икки фоизи уруғликка, тўрт фоизи экспортга, салкам етти фоизи ички истеъмол-га, олти ярим фоизи турли муасса-саларга, тўққуз фоизи қишлоқ хўжа-лиги махсулотлари ярмаркаларига ҳамда ўн ўн фоизи қайта ишлашга жалб қилинар экан. Кўриниб туриб-дики, қайта ишлаш соҳасидаги иш-лар хали талаб даражасида эмас. Шу боис ушбу фермерларимиз-нинг бу борадаги фаолиятини яна-да яхшилаш, уларни хориж тажри-

Ислохот

150 нафардан ортиқ фермер ишти-рок этган бу тадбирда 50 тадан кўпроқ шартнома ва келишувлар им-золанди.

Мисолларга мурожаат этсак, Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув" фер-мер хўжалиғи раҳбари Алижон Аҳме-дов ушбу кўргазма-савдода Герма-ния ҳамда исроиллик ҳамкорлари бил-лан туздан шартномаси асосида гўшт ва сут махсулотларини қайта ишлаш-

Дилшоод **УЛУҒМУРОДОВ**.

ЁРУҒ КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ

Ёш авлоднинг замонавий асосда чуқур билим олиши, кенг дунёқараш соҳиби бўлиб камолга етишида таълим тизимидаги бугунги изчил ислохотларнинг аҳамияти беқиёс. Бинобарин, мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган сайёҳаракатлар пухта билимли, малакали кадрлар тайёрлашдек эзгу мақсадга қаратилгандир.

Бундан уч йил муқаддам алоқа соҳасининг билимдон мутахассисларини тайёрлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали ташкил этилган эди. Утган вақт мобайнида ўқув даргоҳида ҳавас қилса арзиғулик ишлар амалга оширилди. Энг аввало, филиал Фарғона водийсидаги олий ўқув юртида "Информатика ва ахборот технологиялари" йўналишида тахсил олаётган талабалар қабул қилинди. Айни пайтда бу ерда 80 нафарга яқин профессор-ўқитувчи ёшларга сабоқ бермоқда.

Таълим

Маълумки, ҳар бир билим даргоҳининг салоҳияти, энг аввало, ўқув-тарбиявий ва илмий соҳада олиб борилган ишлар самараси билан белгиланади. Шу мақсадда ўтган ўқув йилининг дастлабки кунлариданок дарс ва амалий машғулотлар жараёнини ноанъанавий асосда ташкил этишга эътибор қаратилди. Бу борада илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Ушбу сайёҳаракатлар натижаси талабаларнинг илм олишга бўлган қизиқишлари, улар орасида янгилик яратишга иштиёқманда, изланувчан ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги мисолида намоён бўлмоқда. Бунда, албатта, малакали ўқитувчи таърибаси муҳим аҳамият касб этаётди. Зеро, талаба мустақил ишлашга ва ижодий фикрлашга одатланмаса, фан асосларини қўйилган даражада ўзлаштирма, ундан изланувчан, ўз касбига фидойий мутахассис чиқмайди. Маъруза ҳақиқати теган англаган ўқитувчи ўз фанининг моҳир устаси бўлмоғи, айни чоғда дарсларни ноанъанавий тарзда ташкил этишнинг ҳақиқатини олган бўлиши лозим.

Филиалимиз ўқитувчилари талабаларнинг битирув-малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертациялари маъмурият жиҳатидан аҳамиятли бўлишига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, тадқиқот ишлари учун мавзу танлашда илғор технологиялар яратилиш, иш унумдорлигини ошириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва

Рустамжон ТЕШАБОВ,
ТАТУ Фарғона филиали
директори, профессор.

Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган анъанавий йирик халқаро турнирда саккизинчи тур учрашувлари ортда қолди.

Шахматчимиз пешқадамлар сафида

Унда дунёнинг кучли "ақл гимнастикаси" усталари тўпламига қўшилган шахматчи тур учрашувлари ортда қолди. Унда дунёнинг кучли "ақл гимнастикаси" усталари тўпламига қўшилган шахматчи тур учрашувлари ортда қолди. Унда дунёнинг кучли "ақл гимнастикаси" усталари тўпламига қўшилган шахматчи тур учрашувлари ортда қолди.

МУҲИМ СИНОВ ОЛДИДАН

Бугун Бирлашган Араб Амирликларида 2011 йил Қатар давлати мезбонлик қиладиган Осиё чемпионати саралаш босқич учрашуви бўлиб ўтди. "Шаржа СК" стадионида БАА ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўзаро куч синашадилар. Футбол ишқибозлари бугунги ўйин яна икки ҳафтадан кейинги жаҳон чемпионати саралаш учрашуви олдида муҳим синов бўлишини таъкидлашмоқда.



Маълумки, Миржалол Қосимов шогирдлари "С" гуруҳида БАА ва Малайзия терма жамоалари билан икки йўлланма учун кураш олиб боришди.

Айтиб ўтиш керак, Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси 21 январь кун гуруҳдаги биринчи учрашувини меҳмонда Малайзияга қарши ўтказиб, йирик 5:0 ҳисобидаги галаба билан қайтди.

Эслатиб ўтамай, БАА терма жамоасига қарши кечадагидан ўйин Тошкент вақти билан соат 20:00 да бошланади.

Ушбу гуруҳда саккизинчи турдан сўнг англиялик Нейл Шорт 5,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. 5 очқодан жамғарган Андрей Волокин (Украина) ва Александр Мотилев (Россия)лар иккинчи, учинчи ўринда боришмоқда. Уларни таъкиб этаётган юртдошимиз Рустам Қосимжонов ҳисобида 4,5 очко бор.

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Темур Жўраев ("Пахтакор"), Михаил Наумов ("Машвал"), Муҳиддин Худоев ("Бунёдкор").

Химоячилар: Анвар Фодуров, Артём Филиппов ("Машвал"), Анзур Исмоилов ("Пахтакор"), Саҳоб Жўраев ("Бунёдкор"), Одил Аҳмедов, Шерзод Каримов,

Элдор Магдеев ("Пахтакор"), Фозил Мусаев, Суннатилла Мамадалиев ("Насаф"), Хужумчилар: Фарҳод Тожиев ("Пахтакор"), Илбос Курбанов ("Динамо"), Улуғбек Бақоев ("Бунёдкор"), Шаҳбоз Эркинов ("Пас", Эрон).

Ватанга муҳаббат, бу — баландраров сўз эмас! Ватанга муҳаббат — бахт топган остонангиз — оилангизга, бизни элу юртга қўшган урф-одатлар, удулар — миллий қадриятларга, сиз югуриб ўсган тупроқ, отангиз эккан ва сиз билан бирга улғайган даракт, онангиз тебратган бешикка бўлган муҳаббатдир. Фақат бунинг ҳис қила билиш керак, холос.

ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР

Айтилик, таомга ёши улғур одамдан олдин кўл узатмаслик, тонгда ва кўчадан қайтганда катталарга салом бериш, уларга ҳурмат кўрсатиш, тўй-маъракаларда ота-оналарнинг улғуғлинишю мейх-оқибатнинг тарғиб қилиниши буларнинг бари миллий қадриятлардир. Миллий қадриятлардан узоқлашиш, бу — элдан чиқиб дегани. Элдан чиқиб эса, иймондан қайтиш демакдир.

ларимиздан воз кечган, буларга жаноза буюрилмайди, дедилар. Аёл зор йилгади. "Мен қилган ишларнинг касофати боламга урди, — деди у қачаб. — Майли, мен маҳалладан бош олиб кетаман, аммо болам болалари ёнига жанозасиз кетмасин. Унинг айби йўқ. Ҳамма гуноҳ менинг бўйимига".

Хуллас, маҳалла фаоллари ўртага тушиб, болага жаноза ўқилди. Аммо гап

Огоҳлик

Кейинги йилларда аёлларимизнинг нозик туйғуларидан фойдаланиб, уларни диний ва нодиний, исломий ва ноисломий оқимларга жалб қилишга бўлган ҳаракатларнинг гувоҳи бўлялмиз. Бу ҳаракат оқимига, бу тўрға тушиб қолган аёл бизга бегона эмас: опамиз, синглимиз. Элдан чиқиб, йўлдан адашишса-да, улар бизга барибир кадрдон. Фақат, афсус билан эътироф этаемизки, бу ота-синглиримиз бундай оқим ва ҳаракатларнинг ортида ким турганлигини-ю, уларнинг мақсадларини, асосий моҳиятини тушунамиз.

Бу воқеани мисол келтираман: Миссионерлик ҳаракати қурбони бўлиб, ота-болалари динидан, этико-дидан воз кечган бир аёлнинг фарзанди фожияли тарзда ҳаётдан кўз юмди. Аёл алақачон маҳалла-қўйдан айрилган, маҳалладошлар ҳам уни тўй-маъракага айтмай қўйгандилар. Энди унинг фарзандини охириг йўлга кузатишдан олдин жаноза ўқилиши керак эди. Маҳалладошлар норози бўлдилар. Бу аёл оиласи билан динимиздан, урф-

фақат бундагина эмас. Гап элдан, жамиятдан ажраш — ҳар қандай фожиядан оғирроқ эканлигида. Аслида, инсонни эл билан бирлаштириб турадиган нарсани нима? Албатта, минг йиллардан бери сайқалланиб, шаклланиб, ажодларимиздан етиб келган, қадриятга айланган миллий урф-одатлар, кўникмалар, тўй маъракалар, байрамлардир. Элдан айрилган одам мана шу қадриятлардан ҳам айрилди. Эл эса ўзи ардоқлаб, авайлаб, қадрлаб, қадрият даражасига олиб чиққан бойликларидан ҳеч қачон айрилмайди. Биргина Наврўзи олиб қўринган. Эскилик сарқити сифатида унга ҳар қанча таҳдидлар, тазйиқлар бўлишига қарамасдан, эл уни асраб қолди. Бундай қадриятлар миллиятнинг бирлигини ушлаб туради. Аёлларимизни бошқа диний оқимга жалб қилиш ниқоби остида улар амал қиладиган миллий урф-одатлар, қадриятларидан айририш, ана шу



бирликка миллий бирликка бўлган таҳдиддир. Опа-синглиримизни турли оқимларга бошлаётганларнинг ҳам мақсадлари шу — аёлни ўзигидан айириш! Бир аёлнинг ўзигидан айрилгани — жамиятнинг бир илдизига болта урилди, дегани.

МАДАНИЯТ xabарлари

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида «Сукунат» деб номланган янги фильм тақдими ўтказилди.

Эзгу фазилатлар тараннуми

Маъзур киноасар "Ўзбекино" миллий агентлиги буюртмасига мувофиқ, 5-ёшлар студиясида суратга олинган. Иқтидорли режиссёр Ёлқин Тўйчиев ижодига мансуб ушбу кинода инсонийликка хос фазилатлар тараннуми этилган. Ундаги бош ролларни Фотих Жалолов, Нозим Тўлаҳужаев, Раъно Шодиева каби иқтидорли актёрлар ижро этишган. Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар кейинги йилларда мамлакатимиз кино соҳаси ривожига юксак эътибор қаратилаётгани, бунинг натижасида халқимиз оёқиб томоша қилишга арзийдиган фильмлар кўпайиб бораётганлигини таъкидладилар. Бу жараён, айниқса, ёш иқтидорли кинорежиссёрлар ижоди мисолида ўз ифодасини топаётди.

О. ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Зомин сайқали» изланишда

"Зомин сайқали" фольклор-этнографик ансамбли хаваскорлик жамоаси "унво-нига ҳам сазовор бўлди. Шу кунларда "Зомин сайқали"нинг 25 нафар санъат шай-доси умумхалқ Наврўз байрамига янги дастур хозир-лашмоқда. Улар вилоят киш-лоқларида бўлишиб, халқ озгаси ижоди намуналарини тўплашмоқда. Хозирда ансамбль томони-дан "Жаҳида ҳаққда ҳаққа", "Тўққиз товоқ", "Ой куйибди", "Даппагидан", "Бешик кет-ди" каби ўнлаб халқ кўшиқ-лари тайёрланмоқда. Жамоа бадий раҳбари Мамлакат Бўроновнинг таъ-кидлашича, Наврўз айёмиде санъаткорлар Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган янги кўшиқларини ҳам ҳаво-ла этишадди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Саҳнада — одам савдоси фожияси

Муллағўйчи Тошмухаммедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида бугунги куннинг долзарб мавзуи — одам савдосига бағишланган "Фурбатда гариб" спектакли саҳналаштирилди. Драматург Нафас Шодмонов асарда ноқонуний меҳ-нат миграциясининг оқибатлари чет элда ишлаб, мўмай пул топиш илнжиде кулликка тушиб қолган ёш йигит-қизларнинг аянчи тақдирини орқали очиб берилган. Саҳна-лаштирувчи режиссёр Акбар Бердиев ва рассом Салим Тўхтаев асар гоёсини талқин этишда рамзий саҳналардан ҳам унумли фойдаланишган. Ўнги саҳна асари ёшларда миллий гурур ва юксак маъна-вият туйғусини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Россия Давлат нефть ва газ университети Тошкент шаҳар филиали жамоаси филиал ходими Носир Умаровга онаси Манзура ХОЛБАЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Олис қишлоқда муҳташам мактаб

Бойсун туманидаги "Шўрб" қишлоғида 210 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактаб биносиде ўқувчиларнинг замонавий талаблар даражасида билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

"Моҳинур" фирмаси қурувчилари ушбу таълим даргоҳини бунёд этишда 750 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажардилар. — Мактабимизнинг янги бинога кўчиб ўтганлиги биз, педагоглар учун ҳам, ўқувчиларимиз ва улар-нинг ота-оналари учун ҳам айни муддао бўлди, — дейди мактаб директори Алишер Маматмуродов. — Эндиликда билим даргоҳи-мизда таълим-тарбия жа-раёнини такомиллашти-риш, замонавий техноло-гиялар асосида ташкил этиш имкониятлари доира-си кенгайди.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиёт

Марҳамат туманида-ги маъжуд 27 та қишлоқ врачлик пунктининг 11 таси янги қурилган биноларга кўчиб ўтди.

Замонавий шифо масканлари

Ушбу шифо масканлари "Саломатлик — 2" ҳамда "Аёллар ва болалар сало-матлигини мустаҳкамлаш" дастурларига мувофиқ қарийб 2,5 миллиард сўмликка яқин 60 турдаги замонавий тиббий жиҳоз-ларга эга бўлди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (28 январь)



Коракалпоғистон Респуб-ликаси ва Хоразм вилояти. Айрим жойларда қисқа муддат-ли ёғингарчилик кузатилиши мумкин. Туман тушади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илқ атрофида бўлади. Бухоро ҳамда Навоий вилоятла-ри. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи худуд-ларда қисқа муддатли ёғингарчилик бўлиши мумкин. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолӣ худуди-да кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илқ ўртасида. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ви-лоятлари. Айрим жойларда қисқа му-ддатли ёғингарчилик кузатилади. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Тошкент вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёғингарчилик бўлиши мумкин. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Тунда 2-4, кундузи 7-9 даража илқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 50806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
«Тижорат материал»
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.00. Тошширилди — 22.25

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Абдулов.
Мусаҳҳих — Ҳ. Тўхтужаев.